

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Утаев Хусниддин Хуррамович

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-2222-1676> e-mail:

utaevhusniddin6@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22622495>

Аннотация: Мазкур мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилигига доир масалалар таҳлил қилинган. Мақолада, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан фош этилиши жуда қийин бўлган жиноятлардан бири бўлиб, пухта режалаштирилганлиги, ўта мураккаблиги ҳамда трансчегаравий хусусиятга эгалиги билан бошқа турдаги жиноятлардан фарқ қилишига доир фикрлар ҳам баён этилган.

Калит сўзлари: Ахборот, банк карталари, воситалар, жавобгарлик, жазо, жиноят, технологиялар, фирибгарлик, компьютер фирибгарлиги, қўллаш.

Аннотация: В настоящей статье анализируются вопросы, связанные с общественной опасностью мошенничества, совершаемого с использованием информационных технологий. В статье отмечается, что мошенничество, совершаемое с использованием информационных технологий, является одним из видов преступлений, раскрытие и расследование которых представляют значительную сложность для правоохранительных органов. Также изложены положения, характеризующие отличительные особенности данного вида преступлений от других видов преступной деятельности, в том числе их тщательную подготовку и планирование, высокую степень сложности и трансграничный характер.

Ключевые слова: Информация, банковские карты, средства, ответственность, наказание, преступление, технологии, мошенничество, компьютерное мошенничество, использование.

Abstract: This article analyzes issues related to the social danger posed by fraud committed through the use of information technologies. The article emphasizes that fraud committed through the use of information technologies is one of the types of crime that is particularly difficult for law enforcement agencies to detect and investigate. It also examines the characteristics that distinguish such

offenses from other types of crime, including their careful planning, high degree of complexity, and transnational nature.

Keywords: information, bank cards, means, liability, punishment, crime, technologies, fraud, computer fraud, use.

Бугунги рақамли асрда ахборот тизимлари ва технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бироқ, бу қарамлик ушбу тизимлардан фирибгарлик мақсадида фойдаланадиган жиноятчиларнинг янги зотини келтириб чиқарди. Фирибгарлар томонидан банк карталаридан пул ечиб олишнинг янгидан-янги усул ва воситаларини қўллаши жиноят механизмларини мураккаблашувига олиб келмоқда.

“Компьютер фирибгарлиги” (компьютер фразд) атамаси, ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган¹ бўлиб, ҳозирги кунга қадар олимлар томонидан бир қанча баҳс мунозаларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Д.А.Закирова компьютер фирибгарлиги бу “компьютер техникаси ёрдамида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш” деган тушунчани илгари суради². **WORLD**

М.А.Ефремова эса, киберфирибгарлик ва компьютер фирибгарлиги бир хил тушунча, яъни синонимлар деб ҳисоблайди³. Профессор Н.Лопашенко, компьютер фирибгарлигини нақд бўлмаган пул маблағларини ва нодокументар қимматли қоғозларни қўлга киритиш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик деб тарифлайди⁴.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан фош этилиши жуда қийин бўлган жиноятлардан бири бўлиб, пухта режалаштирилганлиги, ўта мураккаблиги ҳамда трансчегаравий хусусиятга эгаллиги билан бошқа турдаги жиноятлардан фарқ қилади.

¹ Комаров А.А. Криминологические аспекты мошенничества в глобальной сети Интернет. Дисс. на соис. уч. степ. канд. юрид. наук.–Пятигорск, 2010. –С. 24.

² Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. Владимир, 2002. – 211 с.

³ Ефремова М.А. Мошенничество с использованием электронной информации // Информационное право. 2013. Но 4. С. 19-21.

⁴ Лопашенко Н.А. Посягательства на собственность: монография. –М.: Норма, Инфра-М, 2012. –С. 8.



Ушбу жиноят тушунчаси баъзи криминалистик адабиётлардаонлайн фирибгарлик, киберфирибгарлик деб келтирилган бўлса, баъзиларида эса компьютер фирибгарлиги деб келтирилади⁵.

Ушбу жиноятнинг криминалогик тавсифи таркибий элементлари қуйдагилардан иборат:

жиноий тажовуз предмети;

жиноят содир этиш усуллари;

жиноят излари;

шарт-шароитлар (вақти, жойи ва бошқа ҳолатлар);

жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотлар.

Жиноий тажовуз предмети одатда пул, қимматбаҳо буюмлар, техника ва бошқа ашёлар фирибгарлик жиноятининг предмети бўлади. Аммо, Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятининг бевосита предмети бу ўзганинг мулки, яъни ўзгаларнинг банк карта ҳисоб рақамларида сақланаётган пулидир. Бироқ, тўғридан-тўғри банк картасининг ўзи жиноят предмети бўла олмайди, чунки жиноятчининг мотив-мақсади фақатгина карта ҳисоб рақамларида сақланаётган пулни жабрланувчини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятини содир этишнинг усули криминалистик тавсифнинг марказий элементи ҳисобланади. Чунки, у жиноятга тайёргарлик кўриш, амалга ошириш ва жиноятни яшириш бўйича жиноятчиларнинг ҳаракатларини ягона мақсадда бирлаштирилади.

Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик жиноятини содир этишнинг бир неча хил усуллари мавжуд. Хусусан, амалиётда кенг тарқалганлар усуллардан бири бу–интернет ва мобил алоқа воситалари орқали содир этиладиган фирибгарликдир. Жиноятчилар жиноий қилмишни содир этиш воситаси сифатида интернет, компьютер ва мобил қурилмалардан фойдаланишади. Жиноят содир этиш усуллари “Фишинг” Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик жиноятини содир этиш усулларида бири бу “фишинг” яъни “балиқ ови” усулидир.

Бунда ИТ технология соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга фирибгарлар томонидан фойдаланувчининг ишончига кириб, банк

⁵ Лопашенко Н.А. Посягательства на собственность: монография. –М.: Норма, Инфра-М, 2012. –С. 8.

картасига доир махфий маълумотлари эгалланад⁶. Жинойтни содир этиш усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, жинойтчи томонидан масофадан туриб алоқа воситалари ёхуд сохта веб-саҳифалар орқали фойдаланувчининг ижтимоий тармоғидаги akkaунти, электрон почтаси ёки уяли алоқа воситаларига смс хабар юборилади.

Бунда ижтимоий муҳандислик усулларида фойдаланилади. Бу хусусида қуйида батафсил тушунтириш келтириб ўтамиз. “Фишинг” билан шуғулланувчи жинойт гуруҳлар жабрланувчидан шахсий маълумотларини киритишни сўраб турли шаклда хабарнома жўнатишади. Жабрланувчи банк хизматларидан фойдаланиш учун банкнинг расмий веб-сайтига кираётганликларига ишонади.

Бироқ, фирибгарлар томонидан яратилган тузоқларга лаққа тушадилар. Хусусан, сохта сайтга исм-шарифи, карта реквизитлари, пин коди киритиш орқали ўзлари билмаган ҳолда “фишинг”чилар қармоғига илинишади⁷.

Сохта сайтлар яратиш бу замонавий фишинг услубларидан биридир. Бундай фишинг сайтларини махсус билим ва кўникмаларсиз аниқлаш жуда мушкул. “Фишинг” ҳозирги кунда юртимизда энг кўп кузатилаётган фирибгарлик усулидан бири бу вишинг онлайн фирибгарлигидир. Фирибгарликнинг бу усулида фирибгарлар ўз “ўлжаларини” телефон орқали қўлга киритишади. “Фишинг” сўзи инглиз тилидан яъни, “воисе”овоз ва “фишинг” балиқ ови сўзларининг жамланмасидан ҳосил бўлган⁸.

Юқоридаги фирибгарлик усулида фирибгарлар узини банк ходими, тўлов тизими ходими, ёки шунга ўхшаш ҳар хил ёлғон ва уйдирмалар орқали жабрланувчилардан уларга жўнатилган махфий смс малумотларини олишади.

Мамлакатимизда ушбу ҳолатлар кескин кўпайиб, хусусан фирибгарлар томонидан ўзини “Click” ёки бошқа бир тўлов тизими ходими” деб таништириб, фуқароларни алаш ва ишончига кириш орқали гўёки тизимдаги айрим камчиликларни тузатиш ҳамда тўлов билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш ниқобида жабрланувчига смс

⁶Шаззо С.К. Способи совершения мошенничества в отношении граждан [Метҳодс оф соммиттинг фrawd агаинст ситизенс].Вестник Адигейского государственного университета. Серия 1: Юриспруденция. 2008. Но 2. С. 5.

⁷ИзотовД. С., Бикова Н. Н. Види мошенничества с банковскими картами [Сез банк сард фrawd].ВестникНГИЕИ. 2015. –Но 3. –С.49-52.

⁸Табак И.С. Мошенничество с банковскими картами / И.С. Табак // Современные инновации. –2018. –Но 4 (26). –Но 1 (19). –С. 37-40.



жўнатиб, ундан смс рақамини айтишини сўрашяпти. СМС рақами айтилиши билан пул маблағлари турли пластик карталар ёки телефон рақамларга транзаксия қилиниб, “Click” орқали Қиwi ҳамёнга ўтказилади ва жиноий йўл билан ундирилган пул маблағлари (сўм) хорижий валютга конвертация қилинади. Мерос фирибгарлиги эса, жабрланувчи номига чет элдаги қариндошидан катта миқдордаги мерос қолдирилгани ҳақидаги хабар гўёки унинг адвокати ниқобида берилади.

Шундан сўнг, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда пластик карта рақамларига доир махфий маълумотлармеросни расмийлаштириш ҳамда дастлабки тўловларни амалга ошириш учун алдов йўли билан олиб қўйилади.

Халқаро почта жўнатмалари бу, жабрланувчига маълум турдаги қимматбаҳо юк юборилгани, қабул қилиб олиш учун почта чиқимларини тўлаш бўйича турли хил почта жўнатмалари ёрлиғи ёхуд жўнатма унинг номига эканлигини тасдиқловчи фотосуратлар жўнатилади.

Шу орқали пластик карта рақамига доир махфий маълумотлар алдов йўли билан олинади.

“Фишинг” танловлари бу, ижтимоий тармоқларда сохта танловлар ташкил қилиш. Бу ҳолатда ютуқ сифатида автотранспорт воситаси ёки охирги русумли телефон аппарати қўйилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ташкилотчилар деярли барча иштирокчиларни “Сиз лотореяда ғолиб чиқдингиз ёки совғалар сони чекланган акцияда иштирок этинг, совғани қўлга киритинг” каби ютуқ билан табриклаб ёхуд танловда иштирок этиши учун қизиқтириб хабар жўнатишади.

Одатда, фишинг танлови иштирокчилари танловда бир неча маротоба иштирок этганидан сўнг ушбу жараён фирибгарлик эканлигига тушуниб етишади. Интернет-тиланчилик–сохта хайрия жамғармалари булар Интернет саҳифалар ҳамда ижтимоий тармоқларда турли хил касалликка чалинган ёхуд оғир аҳволдаги шахсларни фотосуратларини жойлаштириб уларнинг номидан моддий ёрдам сўраш.

Фирибгарлар кўпроқ инсонийлик, раҳм-шавқат ва ишонувчанлик ҳис туйғуларини уйғотувчи психологик таъсир этиш усулларига эътибор қаратишади. Одатда, номи эълон қилинаётган шахслар улар учун пул маблағлари жамғарилаётгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлишмайди. Сабаби, эҳсон қилинган ҳар қандай пул маблағлари тўғридан-тўғри фирибгарларнинг ҳисобрақамларига ўтказилади.

Интернет дўконлар билан боғлиқ фирибгарликлар. Бази фирибгарлар қалбаки, сифатсиз товарлар ёки махсулотлар савдоси билан шуғулланиб харидорларни чув тушурса, бошқалари махсулот учун олдиндан қисман ёки тўлиқ тўлов қилишни талаб қилади⁹.

Тўлов амалга оширилгач харидорга товар етказилмайди. Сўнгги йилларда интернет дўконлари билан боғлиқ фирибгарлик мамлакатимиз ҳудудида ҳам ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, ҳозирда “OLX.uz” онлайн платформаси орқали амалга ошириладиган савдоларда банк пластик карталаридан пул маблағларини ечиб олиниши билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд.

Фирибгарлар жабрланувчига бошқа вилоятда ёки хорижда эканлигини важ қилиб, ундан сотиб олиниши режалаштирилган товарга тўлов қилиш учун банк карта рақами ва юборилган смсни айтишни алдов йўли билан сўраб олишади. Шундан сўнг, юқорида кўрсатилган жараён бўйича ишлар амалга оширилади. Никоҳ фирибгарлиги бунда, ижтимоий тармоқдаги ўзга шахсларга доир фотосуратларидан фойдаланиб, уларнинг номидан жабрланувчилар билан ёзишмалар олиб борилади ва ишончига киради.

Вақт ўтиши билан жабрланувчилардан моддий ёрдам сўраб, кўзланган маблағни қўлга киритганидан сўнг аккаунт ўчириб юборилади. Фрилансерлик хизматлари Фрилансерлик хизмати –келишилган хизмат эвазига буюртмачига сайт яратиш, мақола ёзиш, таржима ишлари, реклама логотиплари, видео мейкерлик ва бошқа шаклдаги онлайн хизматларни кўрситишдир. Ушбу усул моҳияти жабрланувчи (фрилансер) буюртмачига (фирибгар) буюртмани жўнатиш билан жиноятчи келишилган пулни тўламасдан ғойиб бўлишида намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти натижасида қолдирилган изларни ўрганиш жиноятни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор очиш имконини беради. Жиноят излари криминалистик тавсиф элементларидан бири бўлиб, ҳосил бўлиш механизми жиноятнинг моддий ва виртуал олам билан ўзаро муносабати характеридан келиб чиқади¹⁰.

Таниқли криминалист олим Р.С.Белкин изларни моддий ва идеал изларга бўлишни таклиф қилган. Идеал излар деганда у жиноят содир этган

⁹ Козодаева О. Н., Обиденнова А. С. Способы совершения мошенничества с использованием банковских карт [Вайс то соммит фразд усинг банк сардс]. Учение записки Тамбовского отделения РоСМУ. С. 52.

¹⁰ Эшчеряков В.А. Преступления в сфере компьютерной информатсии: правовой и криминалистический анализ

[Сримесинтхеспхереофсмпутеринформатион: легаландфоренсисаналйсис]. Воронежх, ВоронежхСтате Университ й, 2001. 320 с.



шахсининг, гувоҳ ёки бошқа иштирокчиларнинг ходирасида сақланган излар тушунилади¹¹.

Рақамли технологияларнинг ривожланиб бориши билан назарияда “виртуал” ёки “рақамли” излар тушунчалари илмий доира вакиллари орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Криминалистик адабиётларда “виртуал” ёки “рақамли” излар тушунчаси борасида турли хил қарашлар мавжуд.

Хусусан, В.А.Агибалов, В.А.Мешеряковлар виртуал из бу компьютер тизими орқали рақамли моддий ташувчида қайд қилинган реал (физик) жараённи тасвирловчи ёки ушбу жараённинг рақамли шаклдаги расмий (математик)

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Бойцов А.И. Преступление против собственности. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.21.; Борзенков Г.Н. // В кн.: Курс уголовного права. Особенная часть. Том 3 / Под ред. Г.Н. Борзенкова ва В.С. Комиссарова. – М.: Зерцало-М, 2002. – С. 388.
2. Байрамова М.Н. Ответственность за мелкое хищение личного и государственного имущества. Автореферат кандидат юрид. наук, – Баку, 1994, – С.14.
3. Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстные посягательства на социалистическую собственность. – М., 1986. – С.126.
4. Волженкин Б.В. Экономические преступления. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 1999.
5. Гаухман Л.Д., Максимов С.В. Ответственность за преступление против собственности. – М.: ЮрИнфоР, 1997. – С.18.
6. Дадонов С. Ответственность за хищение государственное и личную имущества. – М. Юрист, 1998. – С.43.
7. Зверко А.Е. Преступление против государственного имущества и борьба с ними, – Харьков, 1996, – С.134.
8. Исмоилов И. Криминологическая характеристика и профилактика хищений, совершаемых при закупке сельхозпродукции у населения: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1991.

¹¹ Белкин Р. С. Курс криминалистики. – М., 1997. – Т. 2.

9. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкани иштирокчилиқда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007.
10. Каракетов Ю., Абдусаломов М. Ответственность за вымогательство. – Ташкент: Адолат, 1997.
11. Олимжанов Б. Мансаб билан боғлиқ талон-торож қилиш жиноятининг тавсифи // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 3. – Б. 32-34.
12. Нестерович С.А. Проблемы расследования преступлений, которые стоят пред сотрудниками следственных органов. // Вестник науки и образования. №8. 2018. С. 46-49. 5. Берова Д.М. Расследование киберпреступлений // Пробелы в российском законодательстве. №2. 2018. С. 173-175.



WOC
WORLD
ONLINE
CONFERENCES

